

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Тошкент Ислом Университети  
Ислом тарихи ва фалсафаси факультети  
Диншунослик йўналиши 1-курс талабаси  
Комилжонова Зайнаб

**Мавзу: Дин**  
**феноменологиясида онгинг**  
**диний-фалсафий таҳлили**

# Кириш

Бизга маълумки, истиқлол шарофати билан, сўнгги йилларда диншунослик ва исломшунослик соҳасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Аммо, ушбу соҳада ҳали ёритилмаган, ўрганилмаган ишлар ҳам анчагина. Диннинг моҳиятини очиб беришда “Дин феноменологияси” соҳаси шундай соҳалардан биридир.

Феномен –ҳис–туйғу тажрибаси билан пайқаладиган ҳодисани англатувчи тушунча.

*Феноменология*- (мазмун: феноменлар ёки ҳодисалар назарияси) – шундай фалсафий мактабки, унда ҳодиса ва воқеалар қандай бўлса, шундайлигича таърифланади

фалсафий феноменологик  
мактабининг асосчиси

Эдмунд Гуссерл

(1859-1938)

Гегель  
фалсафасида

феноменология

Мутлоқ рух

“Дин фалсафаси”  
асари

Дин  
феноменоло  
гиясининг  
энг ёрқин  
намоёндалари

М.Шелер

Р.Отто

Г.Ван  
дер Леу


*“Дин феноменологияси” терминини биринчи бор Пьер Даниел Шантепидела Соссе ўзининг “Дин тарихи дарслиги” (1887) асарининг муқаддимасида ишлатган. Дин феноменологияси Голландия ва Германия диншунослиги билан боғлиқ ва бугунги кунда кенг ривожланаётган соҳалардан биридир.*

*Дин феноменологияси инсоннинг илоҳиётга, Худога бўлган муносабатининг турли кўринишларини ўрганадиган йўналиш сифатида ривожланмоқда. Дин феноменологиясининг асосий вазифаси диний феноменларнинг умумий аломатларига қараб илмий асосда гуруҳларга ажратиш ва таснифлашдир. Бу гуруҳлар турли давр ва маданиятларда қардош бўлган феноменларни бирлаштиради.*



Маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида онгнинг муайян шаклларини кўришимиз мумкин: ҳуқуқий онг, сиёсий онг ва ҳ.к.з. Бу диний соҳага ҳам тегишли бўлиб, диний онг ҳар қандай диннинг уйғунлаштирувчи элементи ҳисобланади. У муайян тадрижий жараённи босиб ўтган ва турли шаклларда мавжуд бўлади.

Ибтидоий тузум мифологик тизимида  
ўзига хос диний онг шакллари ҳам  
кўрамиз. Бунга



ва бошқалар кирган

диний онг ўз ичига:

этикод,

ҳиссий кўриниш,

образли тасаввурлар,

символик,

аллегорик,

тил (диний),

кучли эмоция каби компонентларни  
қамраб олади

**ДИНИЙ ОНГНИНГ  
ИККИ ХИЛ ДАРАЖАСИ**

**кундалик**

**концептуал**

# Кундалик диний онг

Ўзида турли образлар, тасаввурлар, иллюзия, ҳиссиёт, кайфият, майл-ҳавас, эзгу орзулар, ирода, анъаналар орқали инсоннинг борлиқни бевосита англатиш натижасида шаклланади. Унда билимлар тизимлашмаган ҳолда, яъни бўлак-бўлак, нотўлиқ, тарқоқ бўлган қарашлар тасаввурларини ифода этади. Бу даражада рационаллик, эмоционаллик ва ирода элементлари бўлса ҳам эмоциялар ҳукмронлик қилади.

Иккинчиси концептуаллаштирилган диний онг даражасида махсус ишланган, тизимлаштирилган концепциялар, аргументлар, мулоҳазалар, ғоялар, тушунчалар йиғиндиси дир. У ўз таркибига :

**1.**Худо ҳақида, олам, табиат, жамият, инсон ҳақида ишлаб чиқилган таълимотларни.

**2.**Ижтимоий онг шакллари ҳисобланган иқтисод, ҳуқуқ, сиёсат, ахлоқ, санъат ва бошқаларнинг диний дунёқарашга мувофиқлигини.

**3.**Илоҳиёт билан фалсафа ўртасидаги диний фалсафани қамраб олади.

Ушбу соҳани ўрганиш ва халқимизга, оммага тушунарли қилиб очиб бериш ҳозирги яшаб турган жамиятимизда, айниқса, Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда, баркамол яъни, ҳар томонлама етук инсонни вояга етказиш ва тарбиялашдек олий ва бош мақсадни амалга оширишда жуда ҳам аҳамиятли ва долзарб деб ўйлайман. Зеро, бугунги кунда, ҳали тафаккури яхши ривожланиб улгурмаган Ўр ўшларимиз онгига таъсир этаётган ёт унсурлар, бузғунчи, вайронкор ғоялар, бизнинг анъаналаримиз, асрлар давомида шаклланиб, қон-қонимизга сингиб кетган урф-одатларимиздан айрича бўлган турли хил оқимлар ҳуруж қилиб турган бир пайтда дин феноменологиясида онгнинг диний-фалсафий таҳлили, ўйлайманки, бу муаммоларни ечишда озгина бўлсада ўз ҳиссасини қўшади.



Юртбошимиз И.А. Каримов Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузаларида яқинлашиб келаётган 2010 йилни “Баркамол авлод” йили деб эълон қилишининг сабабларини келтириб ўтиб шундай дедилар : “Янги йилга айнан шундай ном берилишининг сабаларини исботлаб бериш, ўйлайманки, қийин эмас. Аввало, биз, яъни халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсон ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган бўлмайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида нима туради?”



Бу саволга ҳаммамиз,  
табийки, барча эзгу  
ниятларимизнинг марказида  
фарзандларимизни ҳам  
жисмоний, ҳам маънавий  
жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш,  
уларнинг бахту саодати, фаровон  
келажагини кўриш, дунёда ҳеч  
кимдан кам бўлмайдиган  
авлодни тарбиялаш орзуси  
туради, деб жавоб берамиз”.



Ушбу мавзу, бизнинг бугунги  
ёшларимизнинг етук мутахассис  
бўлишида, айниқса, бизнинг  
тинчлигимизни  
кўролмаётганларга муносиб  
жавоб қайтаришда етарли  
дастуриламал бўлади деб  
ўйлайман.

ЭЪТЪБОРИНШШВ УЧУНРАХМАТ!